



Ислом Нури

Муаллиф: Саудия Арабистони Киrolлигининг собик муфтийси
Муътабар Олимлар Хайъати ҳамда Илмий Тадқиқотлар
ва Фатво Идорасининг собик Раиси
Аллома Абдулазиз ибн Боз раҳимахуллох

Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳга ҳамдлар, сўнгги пайгамбар, Унинг оиласи ва саҳобаларига
салавот ва саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Ушбу рисола умра ибодати ҳақида бир шингил кўрсатмалардан иборат
бўлиб, уни ўқувчиларга тақдим этамиз.

Биринчи: Умра килмокчи бўлган одам мийкотга етиб келганидан
сўнг, гусл килиб, тозаланиши мустаҳабдир. Хотин кизлар ҳам, гарчи
хайз ва нифос кони кўраётган бўлсалар-да, гусл килиб, тозаланадилар.
Бирок, кон тўхтаб, гусл килиб покланмагунларича, Каъбани тавоф
килмайдилар.

Эркак киши эҳром кийимларига теккизмаган ҳолда, баданига ҳушбўй
нарсалар суриши мумкин. Агар мийкотда гусл килиш имкони бўлмаса,
зарари йўқдир. Чунки унинг Маккага етиб келгач, кулайлик бўлса,
тавоф килишдан аввал гусл килиши, мустаҳабдир.

Иккинчи: Эркак киши тикилган барча кийимларини ечиб, изор (бел
ости лунгиси) ва ридо (бел усти лунгиси) боғлайди. Эркакларнинг ок
рангдаги изор ва ридони бошларини ўрамасдан боғлашлари



Ислом Нури

мустахабдир.

Хотин-кизлар эса, зийнат ва шухрати бўлмаган оддий кийимларни кийиши - эхром боғлашидир.

Учинчи: Сўнгра калби билан ибодатга киришишни ният қилади ва тили билан: «лаббайка Аллохумма умратан» (Аллохим сенинг барча хукмларингга тайёрман ва умрага ният қилдим) ёки «Аллохумма лаббайка умратан» (Илохим, сенинг барча хукмларингга тайёрман ва умрага ният қилдим), дейди. Агар эхромдаги одам касаллиги, душманнинг хатари ва бундан бошқа шариат изн берган сабаблардан бири сабабли ибодатини адо эта олмай қолишдан кўркса, эхромга кириш пайтида «Агар мени бирон тўсик тўсса, ўша ер менинг эхромдан чиқиш еримдир», деб шарт қилади. Бунинг далили Зубоъа Зубайр кизининг айтган сўзларидир. У: «Ё расулуллох, мен хаж қилмокчиман, бироқ, касалман»- деди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Хаж қил. Бироқ, (касаллик) мени қаерда тўсса, ўша ер менинг эхромдан чиқиш еримдир», деб айт»- дедилар» (Муттафақун алайх).

Эхромни кийганидан сўнг, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтган талбияни айтади: «Лаббайкал-лохумма лаббайк! Лаббайка ла шарика лака лаббайк! Иннал-хамда ван-неъмата лака вал-мулк, ла шарика лак».

У бу талбия ва Аллохнинг зикрини кўп айтади ва Аллохга кўп дуо қилади. Масжидул-Харомга етиб келгач, худди бошқа масжидларда қилганидек, эшикдан ўнг оёғи билан кириб: «Бисмиллах, вассолату вассаламу ала расулиллах, аъзузу биллахил-азийм ва би важхихил-карийм ва султониҳил-кадийм минаш-шайтонир ражийм. Аллохуммаф-



Ислом Нури

тах лий абваба рохматик (Аллохнинг номи билан.. Аллохнинг расулига салавот ва саломлар бўлсин. Мен Буюк Аллохдан, Унинг буюк юзи ва кадимий султонлиги билан (Аллохнинг рахмат даргохидан) қувилган Шайтондан панох сўрайман. Илохим, мен учун рахматинг дарвозаларини оч!)- дейиши суннатдир.

Кейин, Каъбага етиб келгунига қадар талбия айтиш билан машгул бўлади.

Тўртинчи: Каъбага етиб келгач талбия айтишни тўхтатади ва Қора тош-Хажарул-асвадни қасд қилади-да, унинг қаршисига юриб, уни ўнг қўли билан силайди ёки имкони бўлса, ўпади. Одамларга озор бермайди. Силаш пайтида: «Бисмиллахи валлоху акбар» (Аллохнинг исми билан ва Аллох буюқдир) ёки «Аллоху акбар» (Аллох буюқдир), дейди. Агар ўпиш имкони бўлмаса, қўли ёки хассаси ва шунга ўхшаш бирон нарса билан силайди ва силаган нарсасини ўпади. Агар силаш имкони ҳам бўлмаса, қўли билан ишора қилади ва: «Аллоху акбар» (Аллох буюқдир)- дейди. Ишора қилган нарсасини ўпмайди. Тавоф тўгри-сахих бўлиши учун тавоф қилаётган одамнинг гусли ва тахорати бўлиши керак. Чунки тавоф ҳам намоз сингари бўлиб, фақат унда гапиришга рухсат берилган.

Бешинчи: Тавоф қилар экан, Каъба унинг чап тарафида бўлишига диққат қилинади ва уни етти марта тавоф қилинади. Агар ўнг тараф – «рукнул-ямоний»га етиб келинса, уни ўнг қўл билан силанади ва: «Аллоху акбар» дейилади. «Рукнул-ямоний»ни ўпилмайди. Агар силаш имкони бўлмаса, силамай тавофда давом этилади: унга ишора ҳам қилинмайди ва такбир ҳам айтилмайди.

Хажарул-асвадга етиб келингач, юкорида эслатиб ўтилганидек, уни



Ислом Нури

силанади, ўпилади ва такбир айтилади. Бўлмаса, унга ишора килиниб, такбир айтилади.

Эркакларгагина «кудум» – келиш тавофи асносида биринчи уч тавофда «рамл» – кичик кадамлар билан тез юриш, мустахабдир..

Бундан ташқари, эркакларнинг «кудум» тавофининг барча шавт-марталарида ридоларининг ўртасини ўнг елкаларининг остига ва икки тарафини чап елкаларининг устига кўйишлари мустахабдир. Барча шавтларда имкони борича Аллохнинг зикри ва дуоларнинг кўп айтилиши мустахабдир. Тавофда ўкиладиган махсус дуо ва махсус зикр йўқдир. Балки, билган зикр ва дуолар ўкилаверади. Икки рукн ўртасида: **«Роббана аатина фид-дуня хасанатан ва фил-охирати хасанатан ва кинаа азабан-наар»** (Роббимиз, бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликлар ато эт ва жаханнам азобидан сакла!) дуосини хар бир шавтда айтилади. Чунки бу, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан собитдир. Еттинчи шавтни, юкорида зикр килинганидек, имкони бўлса Хажарул-асвадни ўпиш ёки силаш ёки ишора килиш ва такбир айтиш билан тугалланади. Бундан сўнг ридони ёпинилади: елкага ташланиб, учлари кўксида бўлади.

Олтинчи: Маком(и Иброхим) оркасида, имкони бўлса, никки ракаат намоз ўқийди. Агар имкони бўлмаса, масжиднинг хар кайси ерида ўқилса ҳам бўлаверади. Унинг биринчи ракатига фотиҳадан сўнгра «Кофирувн», иккинчи ракаатида эса «Ихлос» сураларини ўкилади. Бундай килиш афзалдир. Агар бошқа сураларни ўқилса, зарари йўқ. Икки ракатни тугатилганидан сўнг, Хажарул-асвад томон юрилади ва имкони бўлса ўнг кўл билан силанади.

Еттинчи: Кейин Сафо (тоги) тарафига бориб, унинг устига чикилади



Ислом Нури

ёки турилади. Чикиш афзалдир. Биринчи шавтни бошлашдан аввал:

(Allohu akbar, la ilaha illa Allahu, Muhammadun rasulu Allahi, Muhammadun rasulu Allahi)

«Иннас-Софа вал-Марвата мин шаъоириллах» – «Сафо ва Марва (тоглари) Аллохнинг ибодат қилинадиган ерларидир» оятини охиригача ўқийди. Эхромдаги одамнинг киблага юзланиб туриши, Аллохга хамду такбир айтиб:

(Allohu akbar, la ilaha illa Allahu, Muhammadun rasulu Allahi, Muhammadun rasulu Allahi)

«Ла илаха иллаллох. Валлоху акбар, ла илаха иллаллоху ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-хамд, ва ҳува ала кулли шайъин кодийр. Ла илаха иллаллоху ваҳдах, анжаза ваъдах ва насара абдах ва хазамал-аҳзаба ваҳдах» (Аллохдан ўзга илоҳ йўқдир ва Аллох буюқдир! Шериксиз ёлғиз Аллохдан ўзга илоҳ йўқдир хамда эгадорлик ва хамдлар Унгагина хосдир. Холбуки, У барча нарсага кодирдир. Ёлғиз Аллохдан ўзга илоҳ йўқдир. У ваъдасига вафо килди, бандасига ёрдам берди ва ўзи гуруҳларни мағлуб килди), деб кўлларини кўтариб дуо қилади ва бу зикр ва дуоларни уч марта такрорлайди.

Кейин, Марва тоғи томон юрилади ва биринчи белгига етиб келганда, эркаклар иккинчи белгига етгунга қадар югуриб чопадилар. Хотин-кизларнинг югуришлари шариатда кўрсатилмаган. Чунки хотин-кизлар авратдир. Сўнгра давом этиб, Марва тоғига чиқилади ёки Марвада турилади: тоғнинг устига чиқиш афзалдир. Марва тоғида хам Сафо тоғида қилинган ишларни қилинади. Бирок, юкорида зикри ўтган оятни ўқилмайди. У оятни расулуллох соллаллоху алайхи ва



Ислом Нури

салламдан намуна олиб, факатгина биринчи шавтда Сафо тогидагина ўкилади, холос. Кейин тогдан тушиб, Сафо тогига етиб борилгунига қадар секин юриладиган ерда секин, югуриладиган ерда югурилади. Етти шавт шу каби адо этилади: Бориш бир, қайтиш эса алохида бир шавт ҳисобланади. Хусусан, эҳтиёж бўлса, бирон нарсани миниб юрса, зарари йўқ. Юриш асносида кўп зикр ва дуолар қилиш мустаҳабдир. Бу юришда ҳам гуслили ва таҳоратли бўлиш керак. Таҳоратсиз юрса зарари йўқ.

Саккизинчи: Агар юриш-саъй ниҳоясига етса, эркаклар сочларини қиришлари ёки қисқартишлари зарур. Қириб ташлаш афзалдир. Агар Маккага келиш пайти ҳаж мавсумига яқин бўлса, сочларни қисқартиш афзалдир. Чунки сочнинг қолган қисмини ҳаж мавсумида қириб ташланиши мумкин. Хотин-қизлар эса, сочларини тўплаб унинг учидан бир бармоқ бўғимича ёки ундан озроқ қиришлари етарлидир.

Эҳром боғлаган одам юқорида зикри ўтган амалларни қилса, умра ибодати тугайди валҳамду лиллаҳ ва унга эҳром боғлаши билан ҳаром бўлган барча нарса ҳалол бўлади.

Аллоҳ таъоло бизларни ва барча мусулмон биродарларимизни динида факих ва собитқадам бўлишга муваффақ қилсин ҳамда барчадан ибодатларини қабул этсин. Дарҳақиқат, У саҳоватли қарим зотдир.

Аллоҳ таъоло пайгамбаримиз, Уннинг оиласи, саҳобалари ва Унга қиёмат кунига қадар яхшилик билан эргашган кишиларга салавот ва саломлар йўлласин.

19 ноябрь, 2002 й.